

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ТАРИҚ
УРУҒЧИЛИГИНИ ЯҲШИЛАШ УСУЛЛАРИ

Қорақалпогистон дәхқончилик илмий тадқиқот институти.

Садиков Е¹., қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,

Матниязова А.Т³., Магистрант, Полатов Н.Е⁴. студент 3-курса

Каракалпакского института сельского хозяйство и агротехнологии

Annotatsiya. Илмий маҳоламиизда Қорақалпогистон шаройтида маҳаллий тарик уруғчилигини яҳшилаш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари акс эттирилган. Шунингдек, кузги буғдойдан сунг тарик етиштиришда дехқон-фермер хўжаликлари рентабеллиги, тупроқнинг табиий унумдорлиги холати, кушимча қаражатларнининг камайиши, ундан сифатли уруғлик ҳосил олиш, уруғчилигини йўлга қўйишидаги агротехник тадбирларнинг амалга ошириш услугари ҳосилдор тарик навлари туғрисида илмий изланишларнинг натижалари акс эттирилиб тавсия қилинади.

Kalit so‘zlar: Маҳалий, тарик, нав, агротехника, ҳосилдорлик уруғлик, бегона ут, тупроқ, шўрланиш, унимдорлик, экиш, меъёр, муддат, вегетация.

Abstract: In our scientific article, the results of research on the promotion of local millet seed in Karakalpakstan conditions are reflected. Also, when growing sun millet from autumn wheat, it is recommended to reflect the results of scientific research on the yield of farmers-farms, the state of natural soil fertility, the decrease in the quality of their care, the production of high-quality seeds from it, the implementation of agrotechnical measures in the establishment of seed production of productive millet varieties.

Keywords: local, thus, is new, agrotechnics, productive Seeds, Weeds, Soil, Salinization, Fertility, Sowing, norm, period, vegetation.

Аннотация: В нашей научной статье отражены результаты исследований по улучшению местного семеноводства проса в условиях Каракалпакстана. Рентабельность фермерских хозяйств при выращивании проса после озимой пшеницы, состояние естественного плодородия почвы, снижение накладных расходов, получение качественного семенного урожая, методика проведения агротехнических мероприятий по налаживанию семеноводства рекомендуются с учетом результатов научных исследований по возделывание урожайных сортов проса.

Ключевые слова: Местный, просо, сорт, агротехника, урожайность семян, сорные растений, почва, засоленность, плодородие, посев, норма, срок, повторный посев.

Kirish. Республика мизда дон мустақиллиги ва бозор иқтисодиятига ўтиш даврида ахолининг озиқ-овқат мақсулотларига талабини тўла қондириш асоссий вазифалардан бири. Шунинг учун деҳқончиликда суғориладиган ерлардан ва уғитлардан самарали фойдаланиб йилига 2-3 маротаба унум етиштириш ҳар биримизнинг бўрчимиздир.

Бу масалани ижобий ечиш учун олмашлаб экиш тизимида вегетация даври қисқа, донли, дуккакли экинларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунки бу шароитда тупроқ бети давомий ёпилиб, унинг ҳарорати ($4-5^{\circ}\text{C}$) кескин пасаяди, буғланиш камаяди ва тупроқнинг иккиласми шўрланиш ҳавфи олди олинади, суғориладиган сув миқдори бир мунча тежалади. Шундай оралиқ оралиқ экинларга маҳаллий тариқ киради.

Кузлик экинлардан, айниқса кузлик буғдойдан кейин тариқ етиштириш деҳқон-фермер хўжаликлари рентабеллиги, тупроқнинг табиий унумдорлигини оширади, кушимча қаражатларни етарлича камайтиради.

Қорақалпоғистон шароитида маҳаллий тариқ уруғи рангига боғлиқ оқ, оч қизил ва қизилдир. Бошоғи эгилган, тупламли, супурги шаклида кузатилади. Шулардан бошоғи эгилган шакли Қорақалпоғистон шароитига яхши мослашган, шунки у ўрим кешикканда ҳам уруғлари тўқилиб кетмайди.

Охирги йиллар Қорақалпоғистонда маҳаллий тариқ етиштириш деҳқон – фермер хўжаликларида камайиб, ўларнинг уруғчилигига етарли даражада эътибор пасайгани сабабидан ҳар хил тариқ уруғлари араласиб, уларнинг маҳсулдорлиги гектарига 10-15 центнергача камайиб кетди.

Muhokama va natijalar. Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти (ҚҚДИТИ) да утказилган (2003-2006 йй) дала тадқиқотлари ҳолосаси бўйича уруғ етиштиришда тариқ туп қалинлиги гектарига 1,5-2,0 млн.дан ошмаслиги (8-12кг/га) лозим. Бундан ошиб кетганда 1000 дон вазни, бошоқдаги донлар сони, вазни ва умумий ҳосилдорлиги кескин камайиб кетганлиги аниқланди.

Дала тадқиқотлари натижасига биноан тариқ навларидан энг ҳосилдорлиси қизил тариқдир. Тадқиқот даврида унинг ҳосилдорлиги гектарига 25-26 центнерни ташкил қилди. Вегетация даври 75-80 кунга тенг. (Термик ресурсларни ҳисобга олганда Қорақалпоғистон шимолий ҳудудида унданда куп ҳосил олиш имкони мавжуд.) Энг охирги экиш муддати июл ойи биринчи ўн кунлигидан кешикмаслиги шарт.

Тариқни уруғ олиш учун етиштиришда бегона утлари кам, унумдорли, бети сифатли текисланган, енгил ва ўртacha шўрланган, механик таркиби жиҳатдан енгил ва ўртacha оғирлиқдаги тупроқли ангғизлар танлаб олинади. Куп йиллик бегона ўтлар миқдорини камайтириш мақсадида кузда тупроқни 25-30 см чуқурликда ағдариб ҳайдаб қўйилади. Бу шароитда уларнинг илдизлари ер

бетига чиқиб, қиши совуғи, шўр ювишда нобуд бўлади. Куп йиллик тадқиқотлар бўйича бу тадбирда тариқ ҳосилдорлиги 30-35% гача ошадиганлиги исботланган.

Бегона ўтларни камайтиришнинг иккинчи усули-бу баҳорда ерни ҳайдаб, уни қуритиб қўйишдир. Бу усулда куп йиллик begona ўт илдизлари, уруғлари тупроқ бетига чиқиб, бу даврдаги ҳаво юқори ҳарорати натижасида қуритилиб, нобуд бўлади.

Тариқ уруғлари экилишдан олдин сараланиб, ҳар хил касалликлар ва зараркунандаларга қарши зарур препаратлар билан ишлов берилади. Уруғлар етиштириш учун I ва II класс уруғлар олиниши лозим. Уруғни экиш мавсуми тупроқ етарлича қизганинан кейин ($14-15^{\circ}\text{C}$) сочма усулида 2-3 см чуқурликда ўтказилади.

Куп йиллик тадқиқотлар ва илғар дехқон – фермер хўжаликлари тажрибаларига асосан маҳаллий тариқни иккита усулда экиш тавсия этилади:

Биринчиси – ер ҳайдалиб, тупроқ бети қуритилади ва уруғ экилиб мола босилади, кейин гектарига $200-300\text{ m}^3$ ҳисобидан сугорилади. (умумий сугориш меъёри гектарига $1500-1600\text{m}^3$ дан ошмаслиги керак).

Иккинчи усул – кузлик буғдойдан кейин ангғизларга намловчи (гектарига $400-600\text{ m}^3$ ҳисобидан) сув берилади ва тупроқ (пишишдан олдин) “оғир” ҳайдалиб экилади. Бу усулда тариқда ҳақиқий 2-3 та барг ҳосил бўлганга қадар сугорилмайди. Бу усулда 4-5 кунда тўлиқ ниҳол олинади ва кейин намловчи сув берилиши лозим.

Ерни ҳайдашдан аввал ангғизга гектарига 15-20 тонна ҳисобидан чириган гунг берилади.

Xulosa: Тариқни сугорища унинг ривожланиш фазаси ҳисобга олинади. Тариқ тўплаш, башақлаш ва мева тушиб фазаларида тупроқ намлигига ўта талабчандир. Бу даврларда гектарига $400-600\text{ m}^3$ ҳисобидан сув берилади, унинг тупроқга тез сингишига эришиш шарт. (Акс ҳолда берилган сув ҳаво юқори ҳарорати таъсирида тез қизиб ниҳоллар нобуд бўлади). Шунинг учун сугориш эрталаб, кечқурун, шамолсиз кунларида ўтказилса, тариқ ётиб қолмайди. (Ётиб қолган ангғизлардан олинган уруғлар майда, сифатсиз, экишга яроқсиз булади).

Сугорищдан олдин тупроқнинг унумдорлик даражасига боғлиқ туплаш, башоқлаш даврида минерал уғутлардан азот гектарига 50-100 кг, калий 30-70 кг ҳисобидан иккига бўлиб берилади, мева тушиб даврида фосфор 50-120 кг бир маротаба озуқа берилиши керак.

Уруғ учун ажратилган ангғизлар тариқ бошоғи 70-80% пишганда апробация қилинади ва навга ҳос эмас усимликлар, begona ўтлар териб олинади. Ангғиз чеккалари тозаланиб, ўрим ўтказилади. Тариқ дасталари (пичани) ҳаво ҳароратига боғлиқ 4-5 кундан 6-7 кунгача қуритилади ва янчилади. Олинган

урұғлар сараланиб, намлиги 14% дан пастга тушмаганча құритилади ва маҳсус кимёвий препаратлар билан ишлоб берилиб, омборларда сақланади.

Бизнинг шароитимизда юқорида баён этилган усулда сифатли урұғ тайёрлаш деңқон – фермер хўжаликларида уруғлик микдорини 20-30% гача тежаш имконини беради, уларнинг рентабеллигини оширишга шароит яратади.

Тавсия (References). Қорақалпоғистон шаройитида маҳаллий тариқ уруғчилигини яқшилаш учун элита хўжаликларини ташкил этиш билан бирга нав намуналарни туғри танлаш, нав тозалигини сақлаш ва агротехник тадбирларга роия қилиш зарур. Суғорищдан олдин тупроқнинг унумдорлик даражасига боғлиқ туплаш, башоқлаш даврида минерал уғутлардан азот гектарига 50-100 кг, калий 30-70 кг ҳисобидан иккига бўлиб бериш, мева туғиши даврида фосфор 50-120 кг бир маротаба озуқа берилишини таъминлаш яқши натижа беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Избасаров Б., Алмашлаб экишни тупроқнинг агрокимёвий хусусиятларига таъсири. Ж.Агроилм. 2016 й. №5. 66 в.
2. Назаров М., Махмудова Р., Гайбуллаева М., Влияние зернобобовых культур на процесс гумусообразования и жизнедеятельности почвенных микроорганизмов. Ж.Агроилм. 2016 й. 65-66 в.
3. Тожиев М., Таджиев К., Оралик ва сидерат экинларнинг тупроқнинг агрофизикаий хусусиятларининг узгариши. Ж.Узб.кишлөк хужалиги. 2015 й. №1. 28-28 в.
4. Комплексная оценка качества и конкурентоспособность зерна сортов проса / - Известия Самарской государственной сельскохозяйственной академии. - 2014 - Вып. 4. - С. 96-99.
5. Государственный реестр селекционных достижений, допущенных к использованию. Т.1. «Сорта растений» (официальное издание). – М.: ФГБНУ «Росинформагротех», 2017. – 483 с.